# Тараққиётимиз учун ғов бўлаётган иллат

Маълумки коррупция глобал муаммо, жумладан юртимизда ҳам ривожланишга энг катта тўғоноқ бўлаётган хатардир. Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган, ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва уни мамлакатимизда тадбиқ этиш муҳим. Кузатишлар шуни кўрсатадики коррупцияга қарши курашда унинг оқибатлари билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган чоралар билан курашиш самарали ҳисобланади. Коррупцияга қарши мувофиқлик “комплаенс-назорат” тизими ана шундай механизм бўлиб, ушбу тизимни мамлакатимизда ҳам жорий этиш бошланди.

Image not found or type unknown

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  Фармони ижроси таъминланиб, жойларда коррупцияга қарши курашишда  муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилаяпти.

Image not found or type unknown

Image not found or type unknown